

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил декабрь ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси, Қўқон шаҳар, Нурафшон МФЙ биносида бўлиб раислик қилувчи судья П.Джўраев, судья ёрдамчиси И.Ашуровнинг котиблигида, тарафлардан Қўқон шаҳар прокурори ёрдамчиси Б.Азамов, судланувчи И.Д ва унинг ҳимоячиси адвокат Д.Шариповнинг иштирокида, судланувчи И.Дга оид 1-1503-2505/961-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

И.Д 1962 йил 11 январь куни Қўқон шаҳрида туғилган, тожик, (ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматига мухтож эмас) Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, нафақада, Қўқон шаҳар, “Нурафшон” МФЙ, Обиравон кўчаси 6-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосасини 2025 йил 26 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини эшитиб, томонларнинг музокара нутқларини, судланувчининг музокара ва охириги сўзини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

2025 йил 4 октябрь куни соат 07:30 ларда ИИБ ходимлари томонидан И.Днинг Қўқон шаҳар, Нурафшон МФЙ, Обиравон кўчаси 6-уйида суд қарорига асосан ўтказилган тинтув тергов ҳаракати давомида хонадон айвонига солинган гилам остидан бир бўлакдаги, қора целлофан пакет парчасига ўралган, озгинадан кўпроқ миқдордаги 0,37 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга ҳилоф равишда сақлаб келгани аниқланган.

Суд-кимёвий экспертизасининг 2025 йил 4 октябрдаги 301-сонли хулосасида, И.Ддан олинган бир дона япалоқ шаклдаги қора-қўнғир рангли, ўткир ҳидли, гашиш гиёҳвандлик воситасига ўхшаш модда таркибида гиёҳванд “тетрагидроканнабинол” моддаси мавжуд бўлиб, ушбу гиёҳвандлик моддаси “гашиш” гиёҳванд воситалар туркумига киришлиги, унинг соф оғирлиги 0,37 граммни ташкил қилиши аниқланган.

Фарғона вилояти 2-сонли суд наркологик экспертизасининг 2025 йил 13 октябрдаги 601-сонли далолатномасида, И.Д каннабиноидларга тобелик (Гашишемания) касаллиги билан касалланганлиги, шунинг учун у Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан тиббий йўсиндаги мажбурий



равишда даволаниш чорасига мухтожлиги, лекин унинг ёши 60 ёшдан юқори бўлгани учун Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 1995 йил 20 март кунги № 102-сонли буйруғи, 2-илоvasи, 2-бандига асосан монелик қилишлиги тавсия Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 93-моддаси “а” бандига кўра мажбурий амбулатория кузатувида ва нарколог мутахассиси назоратида даволаниши мумкинлиги маълум қилинган.

Судланувчи И.Д судда, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, 2025 йил 4 октябрь куни соат 07:30 ларда ИИБ ходимлари томонидан унинг Қўқон шаҳар, Нурафшон МФЙ, Обиравон кўчаси 6-уйида суд қарорига асосан ўтказилган тинтув тергов ҳаракати давомида хонадони айвонига солинган гилам остидан бир бўлак, қора целлофан пакет парчасига ўралган, гашиш гиёҳвандлик воситаси аниқланиб, холислар иштирокида расмийлаштириб олишгани, гашиш гиёҳвандлик воситаларини Қўқон шаҳар, Ором чойхонаси атрофидаги дала ер майдонларидан ёввойи ҳолда ўсиб турган “наша” гиёҳвандлик воситаси баргларини териб олиб, ишлов бериб тайёрлагани, ушбу гиёҳвандлик воситасини бировга сотиш нияти бўлмагани ҳақида кўрсатув бериб, қилмишидан пушаймонлигини инобатга олиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Гарчанд, судланувчи И.Д айбига тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув берган бўлса-да, унинг жиноят содир этганликдаги айби қуйидагилар билан ҳам исботланган, жумладан:

гувоҳ Ф.Юнусалиев судда, 2025 йил 4 октябрь куни ўз ишлари билан юрган пайтда ИИБ ходимлари бир ишда холис сифатида иштирок этиб беришини сўрашганида рози бўлгани, ушбу ишда ундан ташқари яна бир нафар холис иштирок этгани, ИИБ ходимлари билан бирга Қўқон шаҳар, Нурафшон МФЙ, Обиравон кўчаси 6-уйига боришгани, ушбу хонадон эшигини Г.Джантураева очганида ИИБ ходимлари унга ўзларини таништириб, суд қарорига асосан яшаш хонадонларида тинтув тергов ҳаракати ўтказилишини тушунтиришгани, тинтув давомида хонадон айвонига солинган гилам остидан бир бўлак, қора целлофан пакет парчасига ўралган, гиёҳвандлик воситаси аниқланиб, уларни иштирокида расмийлаштириб олингани ҳақидаги кўрсатувлари;

шунингдек, жиноят ишидаги И.Дни ёнини кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш тўғрисидаги, далилий ашёни тортиб олиш ҳақидаги баённомалари, топшириш-қабул қилиш далолатномаси, квитанцияси, экспертиза хулосаси ҳамда ишда тўпланган ва судда текширилган шу каби далиллар билан тўлиқ ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи И.Днинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадини кўзламай, озгинадан кўп миқдордаги 0,37 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга ҳилоф равишда эгаллаш, сақлаш ва ташишдан иборат қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи И.Дга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар



томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, шунингдек, унинг шахсини, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноятлар хусусиятига кўра аҳоли соғлиғига, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий негизига жиддий таҳдид солиши, оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатиши, бошқа ижтимоий муаммолар келтириб чиқариши жиҳатидан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланишини инобатга олиб, унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволанишга муҳтож бўлсади, ёши 60 ёшдан юқори эканлигини инобатга олиб уни ЖКнинг 93-моддаси “а” бандига асосан мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва нарколог мутахассиси назоратида даволаниши чораларини қўллашни;

шунингдек, ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилояти бошқармасининг хўжалик бўлимида 5158-сонли қвитанция асосида сақланаётган, экспертизада сарфланганидан қолган 0,22 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларини қўллаб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

И.Д, Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

И.Дга Ўзбекистон Республикаси ЖК 276-моддасининг 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш баравари миқдорида 6.180.000 (олти миллион бир юз саксон минг) сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг И.Дга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

И.Дга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 93-моддаси “а” бандига асосан мажбурий амбулатория кузатувида бўлиш ва нарколог мутахассиси назоратида даволаниш чоралари қўлланилсин.

Ашёвий далил тариқасида олиниб, ДХХ Фарғона вилояти бошқармасининг хўжалик бўлимида 5158-сонли қвитанция асосида сақланаётган, экспертизада сарфланганидан қолган 0,22 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси йўқ қилинсин.



Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка ичида, судланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида протест ёки шикоят келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи судья:

имзо

П.Джўраев

Ҳукм нусхаси аслига тўғри:

